

Янги масжидда илк жума намози ўқилади



11:44 / 17.05.2019 1947

Маълумки, Тошкент шаҳрида нафақат юртимиз, балки ислом оламида машҳур бўлган, улуғ аллома Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳматуллоҳи алайҳ номларидаги муҳташам жоме масжиди юртимиз мўмин-муслмонлари учун фойдаланишга топширилди. Айниқса, муҳтарам юртбошимиз ташаббуслари билан бунёд этилган ушбу муаззам мажмуа Рамазон ойида халқимизга катта тухфа бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Азиз юртдошлар, мана бир неча кундан бери янги очилган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжидда таровеҳ намозлари ўқилмоқда. Бугун шу масжидда илк жума намози ўқилади. Жума марузаси Ўзбекистон муслмонлари идораси томонидан маълум қилинган «**Закот бериш - буюк ибодат!**» мавзусига бағишланади. Жума марузасини ва намозини масжид имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ ўқиб берадилар. Барча муслмонларга Рамазон ва жума айёми муборак бўлсин!

Islom.uz портали таҳририяти